

**БАНКЛАРНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ
ЁНДАШПУВЛАРИ**



Умарова Малика Бахтияровна
ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон
иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари
ва муаммолари” Илмий-тадқиқот маркази PhD докторант
malika.umarova86@mail.ru.

Аннотация: Мақолада банкларини трансформациялаш жараёнида замонавий технологияларни жорий этишнинг назарий жиҳатлари хорижий иқтисодчи олимларнинг фикрлари асосида таҳлил қилинган.

Бу борада банк тизими назарияси классик ва рақамли ривожланиш назарияларига ажратилиб унинг афзалликлари ёритиб берилган ва муаллифлик таърифлари шакллантирилган.

Калит сўзлар: трансформациялаш, классик ёндошув, рақамли ёндошув, рақамли технологиялар, интернет банкинг.

Аннотация: В статье проанализированы теоретические аспекты внедрения современных технологий в процесс трансформации банков на основе мнений зарубежных ученых-экономистов. В связи с этим теория банковской системы была разделена на классическую и цифровую теории развития, в которых были освещены ее преимущества и сформулированы авторские определения.

Ключевые слова: трансформация, классический подход, цифровой подход, цифровые технологии, Интернет-банкинг.

Annotation: The article analyzes the theoretical aspects of the introduction of modern technologies in the process of transforming banks on the basis of the opinions of foreign economists. In this regard, the theory of the banking system is divided into classical and digital development theories, its advantages are highlighted, and author's definitions are formulated.

Keywords: transformational, classic approach, digital approach, digital technology, internet banking.

Кириш

Сўнгти йилларда банк тизимида замонавий технологиялар кенг қўлланилиб, банклар анъанавий банк хизматларидан рақамли хизматларга ўтиш қўлами кенгайиб бормоқда. Авваллари илмий адабиётларда анъанавий банк тизимига кўпроқ ёндашилган бўлса, хозирда адабий шархларда рақамли банклар, рақамли

иктисодиёт, рақамли трансформациялашга доир бир неча илмий ёндашувлар ва назарий қарашлар кенг ёритилиб келмоқда.

Мамлакатимизда ҳам рақамли технологияларни хар бир соҳага кенг жорий этиш, хар бир тизимни рақамлаштириш ва аҳолига янада қулайли яратиш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз нутқида, "Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабаридан 10-15 йил орқада қолмоқда. 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади" деб таъкидлаб ўтганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-6079-сонли қарорларига биноан республикада рақамли иктисодиётни фаол ривожлантириш, яқин истиқболда

барча тармоқ ва соҳаларга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилганлигини кўрсатиб ўтиш бу мамлакатимизда рақамли трансформациялаш жараёнини кенг қўллашда устувор вазифалар белгиланганлигини билдиради.


Шунингдек, тараққиёт стратегиясида келтирилган вазифалар 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида белгилаб берилган ислоҳотларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Банклар олдига банк тизимини трансформациялаш ва ислоҳ қилиш, хорижий мамлакатларнинг молия секторини трансформация қилиш тажрибаси асосида ва молиявий соҳадаги жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритиш, муаммоларга ечим излаш йўллари белгилаб берилган. Банк тизимини янада ривожлантириш кўзда тутилган ва тутилмаган инқирозларга қарши ҳимоя ёстиқчаларини шакллантириш стратегик ечимларни излаб топиш ва жорий этиш орқали амалга оширилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Банк тизимини ривожланишига назарий жихатдан ёндашдиган бўлсак, анъанавий банк хизматлари кўрсатиш моделига ўтиш 1920 йилдан амалга оширилган бўлиб, банк хизматлари кўрсатишнинг транзитив модели шакллана бошлади ва бу 1920 йилдан 2006 йилгача давом этди. 2006 йилдан банк хизматлари кўрсатишнинг рақамли моделига ўтиш босқичма - босқич амалга оширила бошлади. Ушбу ўтиш асосан банк ахборотларини рақамлаштириш, мижозларга банк хизматлари кўрсатиш жараёнини рақамлаштириш, шунингдек, интернет-банкинг ҳам шаклланиши билан боғлиқ бўлди.

Кулиннич А.А. "Интернет-банк" тушунчасига қуйидагича таъриф бериб ўтган. Мижозлар банк филиалига бормасдан интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўз ҳисоб рақамлари билан муайян операцияларни амалга ошириш имконини берувчи масофавий банк тизими сифатида белгиланади деб келтириб ўтган. Унинг фикрига

кўраи интернет-банк хизматлари тез орада аксарият банклар учун стандартта айланади, чунки мижозларнинг банк хизматларига асосий талаблари қулайлик, ҳаракатчанлик ва самарадорликдир деб қайд этган [1].



1-расм.Банк тизимини назарияси[5]

Шунингдек., Кравченко Д. Банкинг Мобиль банкинг борасида қуидагича таърифни келтириб ўтган. Телекоммуникация компаниялари билан ҳамкорлик мобил банкингни нафақат қулай, уланиш осон, балки тежамкор ҳам қилади. Уяли алоқа сизга харидлар учун тўловларни амалга ошириш, янги омонатларни очиш, пул ўтказмаларини амалга ошириш ва ҳисобингиз ҳолати ҳақида маълумот олиш имконини беради. Барча операциялар реал вақт режимида амалга оширилади. Шу билан бирга, хизмат хавфсиз ва ишончли, чунки у уч босқичли ҳимоя тизимидан фойдаланади [2].

Радковская Н.П. ўз илмий изланишларида глобаллашув шароитида хар бир банк ва банк тизими ўз оптимал бошқарув моделини излашдан иборатдир деб, у иқтисодиётда рискларни камайтириш ва иқтисодиётни ривожлантиради деган [3].

А.А.Гонтарнинг таъкидлашича, "рақамли банкинг - бу банк ва унинг мижозлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги шакли, шу жумладан рақамли, ахборот ва технология стратегиялари соҳасидаги истеъмолчилар ва тижорат мижозлари учун молиявий хизматлар соҳасидаги инновациялар" [4].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотимиз тижорат банкларини трансформациялаш жараёнида илмий-назарий ёндошувларни таҳлили иқтисодчи олимларнинг фикрлари асосида ўрганилган ва банк тизими назариясини такомиллаштириш мақсадида олиб борилган бўлиб, аниқ вазифалар белгилаб олинди. Тадқиқот жараёнида амалий материалларни таққослаш ва жадваллар ёрдамида таҳлил ишлари олиб борилган, ундаги натижалар асосида аниқ хулоса ва амалий таклифлар баён қилинган.

Таҳлил ва натижалар

Ҳозирги кунда банк тизимиning рақамлашувига доир ягона ва умумэътироф этилган ёндашув мавжуд эмас. Бир қатор олимлар ва тадқиқотчилар рақамли ўзгаришлар мавжуд бизнес-жараёnlарни ривожлантиришга қаратилган, хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий хавфсизлик даражасини ошириш ва рақобат устунликларини қўлга киритишга йўналтирилган, деган фикрга келган.

Классик банк фаолиятига доир қарашларни Шумпетер Й.А., Лаврушин И.О, Жукова Е Ф ёритиб ўтганлар. ривожланиши банкларни анъанавий хизмат кўрсатишидан рақамли давргача бўлган давр борасида бир неча олимлар ўз изланишларини олиб борганлар. Банкларнинг ташкил этилишидан тортиб уларнинг хизмат кўрсатиши, структураси, иш фаолиятини ташкил этилиши, банкга оид тушунчалар ва уларнинг замон талабига мослашувчанлиги ва рақамлашувигача олимлар томонидан ўз илий қарашлари ва ёндашувлари илмий асосланиб келинган.

Умуман олганда биз банкларни келиб чиқиш тарихидан бутунга кунгача бўлган холатини таҳлил этадиган бўлсақ, банклар анъанавий тизими босқичидан рақамлаштирилган ва виртуал банк тизимига босқичма босқич ўтиб бораётганини кўришимиз мумкин. Қуйида келтирилган расмдан кўришимиз мумкинки банк тизими эволюцияси келтириб ўтилган. Унда бир қатор олимларнинг банк тизимида доир ёндашувлари илгари сурилган.

Хорижлик иқтисодчи Д.Шумпетернинг (Schumpeter 1934), назарида илғор банк сектори истиқболли соҳаларга молиявий ресурсларни йўналтириш ёки инновацион технологиялар билан таъминлаш ҳусусиятига эга.

Е.Ф. Жуков тижорат банкларининг молиявий хизмат турлари таркибида киравчи лизинг, факторинг, форфетинг, трастоперациялари; бошқа хизмат турлари туркумидан касса ҳисоб-китоб хизматлари, юридик шахсларга хизмат кўрсатиш каби банк хизмат турлари борасида ўрганиш ишларини олиб борган.

Таниқли россиялик олим О.И.Лаврушин банкнинг ҳусусияти унинг фаолияти моҳиятлари ёрдамида белгиланади ва мазкур фаолиятнинг натижаси банк маҳсулотининг яратилиши ҳисобланади, деб белгилаб ўтган [6].

Яна бир Россиялик тадқиқотчи Авроменко О.М. интернет банкга доир қўйидагича таъриф бериб ўтган. Унга қўра банк интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда мижозларга бир қатор хизматлар ёки банклар ўз мижозларига тақдим этадиган ва интернет орқали амалга ошириш имкониятини ўз ичита олган хизматларни тақдим этиш бўйича фаолият тури деб келтириб ўтган [7].

Биз юқоридан банк тизимининг классик ва замонавий банк тизими назарияларини тадқиқ қилиб ўтдик. Банк секторини ривожлантиришга классик ва рақамли ёндашувлар ўзига хос хусусият ва афзалликларга эга.

1. Классик ёндашув:

- Жисмоний филиаллар: Классик ёндашувга амал қилувчи банклар одатда жисмоний филиаллар тармоғига эга бўлиб, уларда мижозлар маслаҳат олишлари, ҳисоб рақамларини очишлари ва бошқа операцияларни амалга оширишлари мумкин.

- Анъанавий хизматлар: Классик банклар анъанавий хизматларни таклиф қиласидилар, масалан, кредит бериш, пулни сақлаш, инвестиция қилиш ва ҳоказо.

- Шахсий мулоқот: Мижозлар шахсан банк ходимларидан маслаҳат олишлари мумкин.

2. Рақамли ёндашув:

- Онлайн банкинг: Рақамли банклар мобил иловалар ва онлайн платформалар орқали хизматларни тақдим этиб, қулайлик ва мавжудликни 24/7 таъминлайди.

- Инновацион хизматлар: Рақамли банклар одатда инновацион хизматларни таклиф қиласидилар, масалан, тезкор пул ўтказмалари, сарф-харажатлар таҳлили, автоматлаштирилган инвестициялар ва бошқалар.

- Паст тўловлар: Рақамли банклар кўпинча камроқ тўловларга ега ва мижозларга жозибадор шартларни таклиф қилишади.

Ҳар иккала ёндашув ҳам ўз афзалликларига эга ва кўплаб замонавий банклар мижозлар тажрибасини яхшилаш учун анъанавий ва рақамли усулларни бирлаштиришга интилмоқда. Бозорда муваффақиятли рақобатлашиш учун мижозларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва банк соҳасида инновацияларга интилиш мухим аҳамиятга эгадир.

Умуман олганда банк тизими классик ёндашувдан рақамли ёндашувга ўтиша борасида ҳам олимлар ўз илмий назарияларини илгри сурғанлар. Айрим олимлар молия тизимида инновацияларни ривожланиши банк тизимини ҳам шунга мослашишини талаб этади деган ғояни илгари сурған бўлса, бошқа бир гурух олимлар банкларга замонавий технологияларни жорий этилишида банк мижозларининг талабларини инобатга олиш кераклигига доир фикр билдириб ўтганлар. Россиялик олим Муравёва А.В., молия тизими банкларни янги технологиялардан фойдаланишга ундайди айтиш мумкинки ривожланган мамлакатлар ривожланиш жараёнининг инновацион турига ўтди, шунинг учун ташки мухит банкларни ўзгаришига ундайди ва улар технологик асос яратади" деган ғояни илгари сурған [8].

Хуноса ва таклифлар

Юқоридаги олимларнинг интернет банкга доир таърифларидан келиб чиққан

холда биз ҳам интернет банкга доир ўз таърифимизни шаклантиридик. *Интернет-банкинг* (ёки онлайн-банкинг) - мижозларга *Интернет орқали молиявий операцияларни амалга ошириш имконини берувчи банк хизмати тизими*. Онлайн банк хизматидан фойдаланган ҳолда, мижозлар жисмоний банк филиалига ташриф буюрмасдан ҳисобдаги қолдиқларни текширишилари, пул ўтказмаларини амалга оширишилари, тўловларни амалга оширишилари, янги хизматларга буюртма бершилари мумкин. *Интернет-банкинг молиявий операцияларни онлайн тарзда амалга ошириш учун қулайлик, фойдаланиши имконияти ва хавфсизлигини таъминлайди*.

Олиб борилган илмий назарий изланишлар натижасига кўра мобил банкинг хизматларини жорий этиш жорий ва потенциал фойдаланувчилар учун хизматнинг фойдалилигини оширади. Мобил банкинг веб-иловасидан фойдаланишининг қулайлиги веб-сайт ва иловада аниқ ва фойдаланувчиларга қулай мобил банкинг функцияларини ишлаб чиқиш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, банк иш вақтидан ташқарида банк хизматларидан доимий фойдаланиш қулайлик, тезкорлик, самарадорлик ва ишончилик каби мижозлар учун асосий бўлган талабга жавоб беради.

Бизнинг юқорида номлари келтириб ўтилган олимларнинг рақамли банкга доир берилган таърифларидан келиб чиқсан ҳолда ўз таърифимизни шаклантиридик. *"Рақамли банк"* - бу мобил иловалар, *интернет-банкинг ва онлайн платформалар* каби рақамли каналлар орқали банк хизматларини кўрсатадиган банк. Рақамли банкнинг асосий тоғаси шундан иборатки, мижозлар жисмоний банк филиалларига ташриф буюрмасдан туриб ўз маблағларини бошқаришилари, тўловларни амалга оширишилари, транзакцияларни кузатишилари ва ёрдам олишилари мумкин.

Шунингдек, рақамли банклар одатда тезкор пул ўтказмалари, тўлов тизимлари билан интеграция ва харажатлар таҳлили каби қулай ва инновацион хизматларни таклиф қиласи. Шунингдек, улар одатда камроқ тўловларга эга ва мижозларга жозибадор шартларни таклиф қилишади. Бугунги кунда кўпгина замонавий банклар ўз маблағларини бошқариш учун онлайн-банкинг ва мобил иловаларни тобора кўпроқ афзал кўрган замонавий мижозларнинг эҳтиёжларини қондириш учун рақамли тизимга ўтишга интилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кулинич А.А. Интернет–банкинг как составляющая развития сетевой инфраструктуры // Экономическая стратегия и перспективы развития сферы торговли и услуг: сб. науч. тр. Харьков: ХДУХТ, 2011. Вып. 2 (14). С. 421–429.
2. Кравченко Д. Мировые тенденции в мобильном банкинге (2014)
3. Радковская, Н.П. Методология финансового менеджмента и управления прибылью кредитных организаций: автореф. ... д-ра эконом. наук // Научная библиотека диссертаций и авторефератов disserCat [Электронный ресурс].
4. Gontar A.A. Digital banking as one of the components of the economic security of a credit organization // Bulletin of the Volzhskiy University im. VN Tatishcheva

5. Муаллиф ишланмаси.
6. Банковское дело. Под.ред. проф.О.И.Лаврушина – М.: «КноРус», 2016. с 800.
7. Авраменко О.М. Интернет–банкинг: особенности и перспективы развития банковской системы // Экономика: проблемы теории и практики: сб. науч. тр. Днепропетровск: ДНУ, 2010. С. 707–712.
8. Муравьева, А.В. Банковские инновации: мировой опыт и российская практика: дис. на соиск. канд. экон. наук. / А.В. Муравьева. - М., 2005. – 137 с.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

